



## ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Ўринбоев Ғайратжон,**

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий  
жиноятларга қарши курашиш департаменти бош тафтишчиси*

*E-mail: [g.urinboyev@umail.uz](mailto:g.urinboyev@umail.uz)*

## IMPROVING FINANCIAL CONTROL IN THE CITIZENS' STATE PENSION SYSTEM

**Orinboyev Gayratjon,**

*Chief inspector of the Department for Combating Economic Crimes under the  
General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan*

*E-mail: [g.urinboyev@umail.uz](mailto:g.urinboyev@umail.uz)*

### **JEL Classification: G2, G29**

**Аннотация.** Мазкур мақолада фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимида амалдаги молиявий назорат тизими, амалга ошириш механизлари ва институтлари таҳлил қилинган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

**Abstract.** This article analyzes the current system of public financial control in state pension provision of citizens and mechanisms and institutions of enhancement, as well as provides recommendations for its improvement.

**Key words:** pension and social benefits, state financial control, internal audit, pension fund, social insurance, non-state pension fund.

**Калим сўзлар:** пенсия ва ижтимоий нафақалар, давлат молиявий назорати, ички аудит, пенсия жамғармаси, ижтимоий сугурта, нодавлат пенсия жамғармаси.

**Кириш.** Сўнги йилларда мамлакатимиз давлат молиясини бошқариш тизимининг барча босқичларида, хусусан давлат молиявий назорати ва ички аудитини амалга оширишда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган бўлсада, тизимда қатор камчиликлар сақланиб қолмоқда. Бизга маълумки, ҳозирги кунга қадар Давлат молиявий назорати тизими ҳамда уни ишлаш принципи мустақиллик давридан аввалги йиллардаги тизимдан кескин фарқ қилмасдан келмоқда. Чунки, ўша даврда бюджетдан ажратилган маблағларни сарфланишида фақатгина қонун ва қонун ости ҳужжатлар талаблари тўғри бажарилиши, бюджет маблағларини талон тарож ва ўзлаштиришларга йўл қўйилмаслиги текширишнинг асосий мақсади бўлган бўлса, ҳозирда ҳам молиявий назоратни амалга оширишда ушбу мақсадларга кўпроқ урғу берилмоқда, яъни, барча операциялар амалга

оширилганидан сўнг, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолда бюджет маблағларидан оқилона фойдаланилганлиги, ўзлаштириш, камомад, режадан ортиқча харажатлар амалга оширилмаганлигига баҳо бериш билан чекланиб қолинмоқда.

Хусусан, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимида ҳам молиявий назоратнинг амалга ошириш механизми қонунбузилишларни аниқлашга қаратилганлик ҳусусиятини намоён этмоқда.

**Материал ва метод.** Давлат молиявий назорати ва аудит тушунчалари ҳамда уни ривожлантириш жумладан, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимида молиявий назоратни такомиллаштириш масалалари кенг илмий доираларда ўрганиб чиқилган. Улар олиб борган назариялар, тадқиқотлар акс этган ишларни таҳлил қилиш орқали, улар томонидан билдирилган турли фикр-мулоҳазаларнинг бир нечтаси ўрганиб чиқилди.

Хорижлик тадқиқотчилар томонидан молиявий назоратга турлича таъриф берилган. Хусусан, С.Е.Платонова ўз ишида молиявий назоратни молиявий ресурслар ҳаракатининг барча босқичлари ва даражаларида давлат молиясини самарали бошқаришда ёрдам берадиган ваколатли давлат ва ҳудудий органларнинг узлуксиз равишда, олдиндан, жорий ва кейинги ҳаракатлари мажмуи сифатида таърифлаган [2].

Н.С.Малеин бу борада “Молиявий назорат - текширувда

қонунийлик, асослилик ва пул харажатларининг тўғри содир этилганлигини аниқлашдан иборат бўлган ҳамда режаларнинг бажарилиш жараёнида молиявий, бюджет, кредит, ҳисоб-китоб ва касса интизомини таъминлашга қаратилган, молиявий, кредит ва хўжалик органлари (ташкilotлари)нинг ҳукукий меъёрлар билан тартибга солинадиган фаолиятidir”[3], деб таъкидлайди.

Т.В.Конюхова: “Молиявий назорат – мамлакат ва унинг алоҳида ҳудудларини самарали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш субъектлари пул фондларини шаклланиш, тақсимлаш ва фойдаланиш соҳасидаги ҳаракатнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги устидан назорат”[4], деб изоҳлайди.

Шунингдек, С.О.Шохин, уни: “Молиявий назорат – давлат ва жамоат органларининг давлат бюджети даромадлари резервларини излаш, хўжалик ва молиявий операцияларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда қонунийлигини ўрнатиш, ушбу фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини объектив баҳолаш мақсадида, корхона, муассаса ва ташкilotлар молия-хўжалик фаолияти устидан белгиланган назорат функцияларини кузатишнинг кўп қиррали, тармоқлараро тизимидир”[5], дея ифодалайди.

Молиявий назоратга маҳаллий тадқиқотчилар Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б.лар эса “Молиявий назорат – молиявий ресурслар ҳаракатининг ҳамма жараёнларини

яъни, маблағларни ташкил топиш жараёнидан бошлаб, ҳар қандай фаолиятни бошлашдан, то унинг молиявий натижаларини аниқлашгача бўлган даврни ўз ичига олади” дея таъриф беради.[6]

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига давлат молиявий назорати ва уни амалга оширишга қўйидагича таъриф берилган: “Давлат молиявий назорати - бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида молиявий назорат объектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш ҳамда таққослаш”[7].

Умуман олганда, хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан молиявий назоратга турлича тарифлар берилиб, унинг моҳияти давлат молиясини шу қаторда, пенсия таъминоти тизимларини бошқаришдаги аҳамияти ва уни такомиллаштириш масалалари етарлича ўрганилган.

Жумладан, М.Д.Жаумитова[8], Т.В.Переверзова[9], С.Е.Платоновалар фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш масалалари, бюджетдан ижтимоий соҳани харажатларини молиялаштиришда молиявий назоратни амалга ошириш ташкилий ва услубий жиҳатларини тадқиқ этган бўлса, И.А.Волков [10], М.М.Аранжереев [11] А.А.Ельцинлар [12] пенсия таъминоти тизимида нодавлат пенсия жамғармалари ва ижтимоий суғурта тизимларида молиявий назоратни амалга ошириш

механизмлари ва хорижий тажрибалари таҳлил қилинган.

Маҳаллий тадқиқотчилардан Д.Р.Рустамов ўзининг илмий тадқиқотларида пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий услубий асосларини ўрганган [13].


Профессор С.Мехмоновнинг диссертация ишида молиявий назорат механизмларидан ички аудит хизмати фаолиятига урғу бериб, унинг ташкилий-амалий жиҳатлари, услубий таъминотини ривожлантириш ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган [14].

**Натижалар.** Мамлакатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида пенсия таъминоти муҳим ўрин тутди. Демографик омиллар таъсирида аҳоли таркибида пенсия ёшидагилар улушининг ортиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг қисқариб бориши барқарор, ишончли молиявий ресурслар билан таъминланган пенсия тизимини яратишнинг мақбул моделини танлаш билан бирга маблағлардан мақсадли ва манзилли фойдаланиш устидан мукамал молиявий назоратни амалга оширишни тақозо этади.

Охирги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимояни яхшилашга қаратилган сай-харажатлар, аҳолининг турмуш даражасининг яхшиланиб бораётганлиги натижаси ўлароқ ўртача умр кўриш давомийлиги ҳамда мамлакат аҳолисининг ўсиши

натijasida бюджетдан пенсия ва нафақаларга ажратилаётган маблағлар миқдорлари ортиқ бормоқда. Шу билан бир қаторда, ушбу соҳада маблағларнинг мақсадсиз ва ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари

ҳам кўпаймоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳада ҳам бошқа бюджет соҳаларидаги каби ўтказилган текширишларда аниқланган хато ва кимчиликлар йилдан йилга ортиб бормоқда.



**1-расм. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминотининг асосий кўрсаткичлари динамикаси<sup>1</sup>**

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, охириги йилларда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони барқарор тарзда ўсишни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши ўртача 5,6 фоизни ташкил этгани ҳолда, пенсия ва ижтимоий нафақа харажатларининг миқдори бироз “нотурғун” шаклда олдинги йилга нисбатан ўртача 23 фоизга ўсиб, пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонига нисбатан кескин ўзгариб бормоқда.

Тахлил натижаларидан кўриш мумкинки, ушбу соҳада харажатларнинг кескин ортиб бориши ўз навбатида молиявий

қонунбузилишларни ҳам ортишига таъсир ўтказади.

Хусусан, сўнги йилларда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тизимида пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўланишида инсон омили иштирокини камайтириш ва ушбу жараёнларни рақамлаштириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида ушбу соҳада молиявий қонунбузилишларни камайтиришда ижобий ўзгаришлар бўлсада, фуқароларнинг иш ҳақи ва стажи маълумотларини нотўғри аниқлаш, пенсия тайинлаш тўғрисидаги қонунчиликнинг талқин қилишда янглишиш, талабларга риоя этмаслик ва бошқа кўплаб омиллар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

сабабли пенсия ва нафақа тўловларини кам ёки ортиқча тўланиши ва жамғарма маблағларининг ортиқча сарфланиши ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Бунга асосий сабаблардан бири молиявий операцияларда ахборот технологияларни етарли тадбиқ қилинмаганлиги, кадрларни малакасини етишмаслиги, молиявий назорат тадбирларини амалга оширишда ягона тамойилнинг мавжуд эмаслиги, давлат молиявий назоратини амалга оширувчи ташкилотларда соҳани тўлиқ қамраб олиш имкониятининг йўқлиги, мутахассисларни ойлик маоши камлиги, улар фаолияти маҳаллий ҳокимият органлари аралашуви, тўлиқ мустақил эмасликлари ва бошқа кўплаб омилларни келтириш мумкин.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, бюджет қонунчилигида ушбу соҳада молиявий назоратни амалга оширувчи идоралар ҳамда уларнинг вазифа ва функциялари белгилаб берилган бўлсада, соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар, учраётган муаммолар тўғрисидаги маълумотларни жамлаб, уларни таҳлил қилиб, умумий ҳолатни акс эттирувчи функция белгилаб берилмаган.

Жумладан, Бюджет кодексига давлат молиявий назорати органлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар давлат молиявий назорат органлари этиб белгиланган.

Унга мувофиқ, Ҳисоб палатаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромад қисмининг ижроси устидан назоратни амалга оширади, республика бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот бўйича ташқи аудитни ва баҳолашни амалга оширади.

Пенсия таъминоти соҳасида Давлат молиявий назорат инспекциялари томонидан пенсиялар ва нафақалар тўғри тайинланиши, ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши устидан молиявий назорат ўтказилади.

Бироқ, ушбу ваколатли идораларнинг иш ҳажмлари ва ходимлар сонининг чекланганлиги, молиявий назорат инспекцияси ва пенсия жамғармаси бир вазирлик бўйсинувидалиги ушбу соҳа устидан тўлиқ молиявий назорат ўрнатиш имконини бермайди.

Шу билан бирга, ички аудит хизматлари ҳам ушбу функцияни амалга оширади. Бироқ, Бюджет қонунчилигида ички аудит вазифалари, функциялари, бўйсунуш даражаси, ҳисобдорлиги ва бошқа ҳуқуқий аҳамиятлари белгилаб берилмаган. Ички аудит хизматларининг бўйсунув даражаси, уларнинг ҳисобдорлиги молиявий назорат юритадиган ташкилотга боғланганлиги, фаолиятни аудитдан ўтказишда шаффофлик ва самарадорликка ўз таъсирини ўтказилади.

Шунингдек, Ҳисоб палатаси, давлат молиявий назорати инспекцияси, ички аудит ва молиявий



назорат хизматлари вазифалари ва жавобгарлик чегаралари, ўзаро маълумотлар алмашилиши, ҳуқуқ тартибот идоралари билан ҳамкорликлари, ҳуқуқлари, молиявий нazorат тадбирларини ўтказишда бир бирларини такрорланмаслик чегарали қонун ҳужжати билан тўлиқ белгиланмаганлиги, ягона сиёсат юритиш, молиявий нazorат органларини услубий таъминлаш, фаолиятни мувофиқлаштириш институтлари ва механизмлари мавжуд эмас.

### Хулоса

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Давлат молиявий нazorатини самарали ва кенг қамровли ташкил этиш, молиявий операцияларда инсон факторини камайтириш, тизимли йўл қўйилаётган молиявий хато камчиликларни олдини олиш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, давлат молиявий нazorати органлари ва ички аудит хизматларининг вазифаларини аниқ белгилаб берувчи норматив ҳужжатни қабул қилиш лозим.

Иккинчидан, самарали ва шаффоф молиявий нazorатни

амалмолиявий нazorатини амалга оширувчи органлар ва идорларни унификация қилган ҳолда, бўйсинув жиҳатдан мустақил ягона ваколатли ташкилот тузиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, барча молиявий операциялари информацион технологиялар, махсус автоматлаштирилган дастурлар оркали электрон тарзда амалга ошириш ҳамда йўл қўйилаётган молиявий хато камчиликларни тизимли аниқлаш ҳамда автоматлаштирилган дастурлар билан тўлиқ қамраб олишни ташкиллаштириш, Вазирликлар, идоралар ва бошқа юридик шахслар нazorатида мавжуд бўлган автоматлаштирилган дастурлар билан интеграциялашган ҳолда молиявий хавфларни баҳоловчи ҳамда хабар бериб борадиган тизимни яратиш лозим.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёни шиддат билан ривожланаётган бир даврда давлат молиявий нazorати тизимини ҳам жаҳон стандартларига мос равишда шакллантириш, сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш Республикамизни иқтисодий ривожланишига ўз хиссасини қўшади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лимская декларация руководящих принципов контроля принятая IX Конгрессом Международной организацией высших органов финансового контроля (ИНТОСАИ) в г. Лиме (Республика Перу) в 1977 г. <https://www.eurosai.org/handle404?exporturi=/export/sites/eurosai/.content/document/s/others/ISSAI/ISSAI-1-Lima-declaration-Ruso.pdf>

2. Платонова.С.Е. Механизм совершенствования государственного финансового контроля.-08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит.



Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва.-2013.б.6

3. Малеин Н.С. Кредитно-расчетные правоотношения и финансовый контроль. – М.: Наука, 1964. С.103

4. Конюхова Т.В. Правовые акты об органах, осуществляющих финансовый контроль. // Законодательство и экономика. 1997. №19/20. С.25

5. Шохин С.О. Проблемы и перспективы развития финансового контроля в Российской Федерации. 1999. С.6.

6. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. Бюджет назорати ва аудити. / Ўқув қўлланма.– Т.: infoСOM.uz МЧЖ нашриёти, 2009, -192 б(7 б.).

7. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 360-сонли ЎРҚ. 3-модда, 170-модда

8. Жумаитова М.Д. Совершенствование пенсионного обеспечения граждан в Республике Казахстан. 6D050600 – Экономика. Диссертация на соискание степени доктора по профилю. Нур-Султан. 2021.

9. Переверзова.Т.В. Государственный финансовый контроль расходов бюджета на финансирование социальной сферы. 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Донецк. 2018.

10. И.А.Волков. Финансовый контроль за деятельностью негосударственных пенсионных фондов. <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovyy-kontrol-za-deyatelnostyu-negosudarstvennyh-pensionnyh-fondov>

11. М.М.Аранжереев. Государственный контроль и надзор за деятельностью негосударственных пенсионных фондов. Вестник НГУЭУ, 2008, №1. <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennyy-kontrol-i-nadzor-za-deyatelnostyu-negosudarstvennyh-pensionnyh-fondov>

12. Ельцин.А.А. Развитие финансового контроля в системе социального страхования Российской Федерации. 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва 2018.

13. Рустамов Д.Р. “Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари” мавзуси бўйича иқтисод фанлари доктори (Дс) даражасини олиш бўйича автореферати. – Т., 2018.

14. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш.-08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)диссертация автореферати.Тошкент.-2018.б.31-32.